

# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОЎЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство  
Узбекистана»)  
Аграр-иқтисодий,  
илмий-оммабоп  
журнал

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги  
вазирлиги

## Бош муҳаррир:

Тоҳир  
ДОЛИЕВ

## Таҳрир ҳайъати:

Зафар РЎЗИЕВ  
Шерали НУРМАТОВ  
Ҳамрой РАЗЗОҚОВ  
Муҳаммадсўф ТЕШАБОЕВ  
Баҳодир АБДУҚОДИРОВ  
Саидкул АРАБОВ  
Фарҳод ОМОНОВ  
Эркин ҚУДРАТОВ  
Шамсиддин ЭСОНБОЕВ

2012 йил,  
№5 май

Журнал 1922 йил  
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:  
якка обуначилар учун — 894  
ташкilotлар учун — 895

# МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Инсоннинг ёди ва қадри улуг .....	1
Ғуза парваришидаги долзарб агротехник тадбирлар .....	2
Ш.ХЎЖАЕВ, А.САЪДУЛЛАЕВ, Ж.ПЎЛАТОВ. Ғуза ниҳоллари ҳимоясида долзарб вазибалар .....	4
Ш.КЎЧҚОРОВ, С.МАМАТОВ. Сувдан оқилона фойдаланиш юқори ҳосил етиштиришнинг асосидир .....	5
Х.МАҲМУДОВ, Р.СИДДИКОВ. Фалла парваришидаги муҳим тадбирлар .....	7
З.ПЎЛАТОВ, Б.ХУДОЙКУЛОВ, З.БЕКЧАНОВ, А.УРАЗБАЕВ. Фалла ҳимоясидаги масъулиятли давр .....	8
М.ТОШБОЛТАЕВ, К.АСТОНАКУЛОВ, О.ОЧИЛДИЕВ, Ш. АЗИЗОВ. Ҳосилни ўриб-йиғиб олишда комбайнлардан унумли фойдаланиш .....	9
И.ҲАМРОЕВ. Чигирткасимонлар офатини бартараф қилиш .....	10
И.АНАРБАЕВ, М.САТТАРОВ. Соя — сердаромад экин .....	11
Б.АЗИМОВ, Б.НАЖИМОВ. Сабзавоткорларнинг юмушлари .....	13
Р.АБДУЛЛАЕВ, А.АРИПОВ. Май — боғ ва тоқзорлар ҳосили шаклландиган ой .....	14
Б.МАМАРАХИМОВ, Ш.ҚЎЗИБОВЕВ. Элита уруқчилик ишларини олиб бориш услублари .....	15
А.РАББИМОВ. Яилловлардан оқилона ва унумли фойдаланиш .....	16
Д.ХАЛМАТОВ, Н.ҚАҲҚОРОВ. Ипак кўртлари парвариши — мўл ва сифатли ҳосил гарови .....	18
И.ЭШМАТОВ. Наслчилик ишларини яхшилаш — муваффақият омили .....	19
О.НОРБЕКОВ. Юксак марралар пойдевори .....	20
П.ГАДОЕВ. Сув — ҳаётимиз асоси .....	21
Б.ТОШНАЗАРОВ. Қоракўлчиликнинг нурафшон йўллари .....	22
Х.КАРИМОВ. Муносиб ҳисса бўлади .....	24
К.ЭРГАШЕВ. Фурқатлик илғор фермер .....	25
С.БОБОЕВ. Ғуза селекцияси учун бошланғич ашёлар яратишда турлараро дурагайлалардан фойдаланиш .....	26
Х.НЕЪМАТОВ, Р.ҲАЙИТОВ, О.ОМОНОВ, Д.ТЎРАЕВ. Фалла ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш .....	27
Ш.ДОНАЕВ. Бугдўй уругини экиш чуқурлиги ва ҳосилдорлик .....	28
А.АБДУЛЛАЕВ, М.ЭРГАШЕВ. Навларга хос экиш муддатлари .....	29
Т.ОСТОНАКУЛОВ, Ш.АБДУЛЛАЕВА. Уруғлик картошка имкониятлари .....	30
Р.ҲАКИМОВ, М.ХАЛИМОВА. Қовуннинг ун шудринг касаллигига чидамли навлари .....	31
М.МИРЗАЕВ, Р.РИЗАЕВ, М.ОДИНАЕВ. Тоғ ва тоғ олди минтақаларда узумчилик .....	32
С.ДУСМАНОВ, Т.ИСОМИДДИНОВ, М.САГДАТОВА. Махсар зараркунанда ва касалликлари .....	33
Қ.ЖЎРАЕВ. Кунжут — серхосият экин .....	34
А.АЗИЗОВ, Н.МИРОВ. Аччиқ қалампирнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти .....	34
И.МАХМУДОВ, У.САДИЕВ, А.ҚУРБОНОВ, Р.ҚАРШИЕВ. Контррезервуарли томчилатиб суғориш технологияси .....	35
И.ХОЛМИРЗАЕВ. Влияние экономических реформ на развитие аграрного сектора .....	36
М.БОЙДАДАЕВ. Сабзавот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш омиллари .....	37
Н.ЮЛДАШЕВ. Сув хўжалигида ҳисоб сиёсатини шакллантириш муаммолари .....	38
А.АБДУҒАНИЕВ. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш .....	39
Ш.АКМАЛХОНОВ, А.ЖУМАНОВ, О.СОАТОВ. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида техник регламентлар — жаҳон бозорига чиқишнинг муҳим омили .....	40
Р.АДИЛЧАЕВ, М.АБИШОВ, К.АДИЛЧАЕВ. Иқтисодий ислохотларни такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти .....	41
Ш.ЭРГАШЕВА. Сув хўжалиги тизимида маржинал таҳлил асослари .....	43
С.КОРАЕВ. Аграр соҳа салоҳиятини баҳолаш .....	44
Ибратли ҳаёт йўли .....	45
М.АЛЛАЯРОВ, Э.АХМЕДОВ. Буйрак хасталиклари давоси .....	46
И.МАССИНО, Р.ТИЛЛАЕВ. Устозларга садоқатли устоз .....	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида 2007 йил  
11 январда 0158-рақам билан  
рўйхатга олинган.

Манзилмиз: Тошкент, 128,  
Кохота кўчаси, 75-уй.  
Телефон: 240-57-10.  
Факс: 240-57-17.

E-mail: qxjournal@agro.uz

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2012 йил  
21 апрель. Босишга рухсат этилди:  
2012 йил 23 апрель. Қоғоз бичими  
60x84 1/8. Оффсет усулида офсет қоғозига  
чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2.  
Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №17.  
Нусхаси 4400 дон.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа  
бўлимида чоп этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри,  
Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 1<sup>а</sup>-уй.

Навбатчи муҳаррир: О.НОРБЕКОВ.  
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА

# Сувдан оқилона фойдаланиш

юқори ҳосил етиштиришнинг асосидир

“Ўзгидромет” марказининг ба- шоратига кўра, 2012 йил март ойи охири ҳолатида қор захиралари Вахш, Қашқадарё ва Чирчиқ ҳавзаларида (1250 м. дан юқори бўлган баландикларда) меъёрдан 140–190 фоизга тўғри келмоқда. Жорий йил вегетация даври учун сув сарфи Сурхондарё, Қашқадарё, Зарафшон ва Фарғона водийси жанубидаги дарёлар ҳавзаларида меъёрдан 115–120, Вахш, Қорадарё, Фарғона водийси шимолидаги дарёлар, Чирчиқ ва Оҳангарон ҳавзаларида 100–110 фоизни ташкил этди.

Бироқ экинларни суғоришда сувдан фойдаланишни ташкил қилишда асло хотиржамликка берилмаслик лозим. Ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этишда сув етказиб берувчи ташкилотлар, сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ), фермерларнинг ўзаро ҳамкорликда ишлашлари талаб этилади. Бунда СИУлар фаолиятининг тўғри йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Фермерлар ўзларига хизмат кўрсатадиган СИУ билан сув етказиб бериш тўғрисидаги шартномавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиши ва унинг шартларига тўлиқ амал қилиши ҳамда сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаб бориши зарур.

Ҳар бир СИУ ўз тасарруфидаги суғориладиган майдонларга сув етказиб беришнинг аниқ режаларини ишлаб чиқиши талаб этилади. Бунинг учун аввало уюшма ва фермерларнинг сув олиш қулоқлари сув оқимини ростлаш ва ўлчаш иншоотлари билан тўлиқ жиҳозланган бўлиши шарт.

Аҳоли томорқаларини суғориш учун олинадиган сув ҳам назоратсиз қолдирилмаслиги учун ҳар бир фуқаролар йиғинлари СИУ билан хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузишлари ва маҳалла миробларини тайинлашлари мақсадга мувофиқ. Маҳалла мироблари аҳоли томорқаларига олинадиган сувни навбат билан етказиб беришни ташкил қилиб, ўзбошимчалик билан сув очиб олиш ҳолатларининг олдини олади ҳамда сувдан мақсадсиз фойдаланишни бартарф қилади.

Ҳар бир сув истеъмолчиси (хусусан фермерлар) суғоришдан 5 кун олдин СИУга сув олиш учун ёзма талабнома бериши лозим. Истеъмол-

чилар ўртасида сувдан навбатманавбат фойдаланишни йўлга қўйиш мавжуд ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишнинг энг асосий шарт саналади.

Каналдан олинаётган сувни кичик миқдорларга бўлиб барчага бир текис тарқатиб юборилса, сув шимилиши ва буғланиши кўпайиб, экинзорларни суғориш учун сарфланаётган сувнинг умумий миқдори ортиб, суғориш вақти чўзилиб кетади. Суғориш навбат билан ўтказилганда эса, катта миқдордаги сув аввал бир далага, кейин бошқа далага берилади. Натижада суғориш тез амалга оширилади ва каналлардаги сув исрофи 10–20, ариқлардаги сув исрофи 30–35 фоизгача камаяди.

**Сувдан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш учун ҳар бир сув истеъмолчисидан қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади:**

- суғориш тармоқларини тартибга келтириш, сув олиш қулоқларини ростлаш ва ўлчаш воситалари билан жиҳозлаш;

- сувдан СИУда ўрнатилган сув тақсимлаш интизомига тўлиқ риоя қилган ҳолда фойдаланиш;

- ҳар 5–10 л/с сув сарфига биттадан масъул сувчилар бириктириш, тунги суғоришни ташкил қилиш;

- суғориш анжомларини (кўчма тўсиқ, сифон, чим, плёнка ва бошқ.) суғоришни бошлашдан аввалроқ тўлиқ тайёрлаш;

- сувчиларни зарур анжомлар, пойафзал ва ишчи кийимлари, тунги суғориш учун фонарлар билан таъминлаш, уларга қулай шарт-шароит яратиш;

**Ресурслардан оқилона фойдаланиш, хусусан суғориш самарадорлигини ошириш ва тупроқни эгатнинг бутун узунлиги бўйича бир текис намланишига эришиш учун суғоришнинг илғор усулларини қўлаш яхши самара беради:**

- Калта эгатлар билан суғориш. Бунда эгатнинг узунлиги (икки ўқариқ ўртасидаги масофа) тупроқ шароитидан келиб чиқиб 50–60 метр қилиб белгиланади. Калта эгатлар билан суғорилганда оқова сувлар миқдори кескин камайд, эгатлар бутун узунлиги бўйича бир текис намланишига эришилади. Натижада суғориш суви сарфи 15–20% камаяди.

- Эгат оралатиб суғориш. Бунда экинзор сув эгатлар орасидаги ҳар бир ариқдан эмас, балки эгат ора-

латиб, яъни бир ариқдан сув оқизиб, навбатдагиси қуруқ қолдирилган ҳолда таралади. Эгат оралатиб суғорилганда тупроқдан сув буғланиши ва тупроққа сув сизилиши кескин камайд. Натижада суғоришга сарфланадиган умумий сув миқдори 20–25% камайд.

Нишаблиги юқори майдонларда эгатлар бир текис намланиши ва оқова сув чиқишини камайтириш учун эгатга аввал кўп миқдорда сув оқизилади, сув эгатнинг охирига етиши билан сув сарфи кескин камайтирилади, яъни сув эгатга ўзгарувчан оқимда юборилади. Бунда умумий сув сарфи 15–20% камайд.

Нишаблиги кичик майдонларда эса оқова сув чиқармаслик учун эгат охирига тўсиб, тўсилган сувни тескари оқизиб, эгатлар охирига намлаш ҳам мумкин. Бунда умумий сув сарфи 15–20% камайд.

Даланинг бир текис намланиши ҳосилдорлигининг юқори бўлишини таъминлайди. Эгат тупроғининг бутун узунлиги бўйича бир текис намланиши учун сув сарфи қумлоқ тупроқларда 0,7–0,8, енгил ва ўрта қумлоқ тупроқларда 0,3–0,4, оғир қумлоқ ва гилли тупроқларда 0,1–0,2 л/с. дан оширмаслик лозим.

Суғоришни шарбат усулида ташкил этиш сувдан самарали фойдаланишда муҳим роль ўйнайди. Бунда гўнг гўзани озиклантирибгина қолмай, балки мульча вази фасини ҳам бажаради, сувнинг буғланиши ва тупроққа сингиши кескин камайд. Шарбат усулида суғоришда хандақдан ўтаётган сувни гўнг билан тўлиқ аралаштириш алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Экинларни суғоришда ноанъанавий сув ресурсларидан, жумладан, оқова ва зовур сувларидан фойдаланиш ҳам суғориш суви миқдорини камайтиришни таъминлайди. Айниқса, оқар сувни етказиш қийин бўлган ҳудудларда, шунингдек, енгил ва ўртача механик таркибли тупроқли майдонлардаги ғаллани суғоришда май ойида зовурлар сувларидан фойдаланиш мумкин. Бунда зовур сувининг тузлилик даражаси 3 г/л. дан юқори бўлса, уни оқар сув билан аралаштириб ишлатиш тавсия қилинди. Экинларни суғоришда зовур сувларидан фойдаланилса суғоришга ишлатиладиган оқар сувлар миқдори 15–25% камайд.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Давлат  
СТИПЕНДИАТИ**



**Жасур МАТЯКУБОВ** — 1990 йил 28 январда Хива шаҳрида дунёга келган. Тошкент Ирригация ва мелиорация институтининг Гидромелиорация факультети 4-босқич талабаси.

Ўтган ўқув йиллари давомида барча рейтинг назоратларини фақат “аъло” баҳоларга топшириши баробарида институт, республика ва халқаро фан олимпиадалари, илмий-амалий анжуманлар, конференцияларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

У 2010–2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси бакалаврлари учун таъсис этилган “Беруний” номли Давлат стипендияси танлови ғолиблигини қўлга киритган. Инглиз тилини мукамал биледи.

Жасур Матякубов курсдоши Элёр Нарзуллаев билан биргаликда техника фанлари номзоди Бакир Серикбоев раҳбарлигида шу йилнинг 17–19 апрель кунлари Украинанинг Ровно шаҳрида бўлиб ўтган МДХ мамлакатларининг табиий шароитлар ва сувдан фойдаланиш муаммолари бўйича олий ўқув юрларида таълим дастурларини бирлаштириш доирасида “Мелиорация ва сув хўжалиги” йўналиши бўйича иқтидорли талабаларнинг IV Халқаро олимпиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қилиб қайтди. Унда жамоамиз якуний ҳисоб бўйича 30 жамоа орасидан 3-ўринни қўлга киритди.

Ҳозирда техника фанлари номзоди Ф. Бараев илмий раҳбарлигида “Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олишда тежамкор суғориш технологияларини жорий қилиш” мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Тадқиқотининг асосий мақсади юқори тежамкор (томчилатиб) суғориш технологияларни қўллаш орқали қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олишга эришишга йўналтирилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари агротехника ишларини бажариш, экинлардан белгиланган ҳосилни олиш учун математик моделни ишлаб чиқиш ва уни жойларда қўллаш ҳамда илмий асосда олинган натижаларнинг иқтисодий самарадорлигини ишлаб чиқишдан иборат.

Ж.Матякубов Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналиши бўйича 2012 йилги ғолиби бўлди.

Маълумки, бошоқли дон экинлари, жумладан, кузги бугдой май ойида сут пишиш фазасига кирилади. Ушбу давр ғалла парваришида энг маъсулиятли давр бўлиб, бу пайтда ғаллага озиқ моддалар ва сувнинг етарли даражада етказиб берилиши мўл ҳосил учун мустақкам замин яратади. Акс ҳолда, сув етмаслиги оқибатида бошоқдаги донлар пуч бўлиб қолиши мумкин. Шу боис ғаллани сут пишиш фазасида сифатли қилиб суғоришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу даврда экинни 700–800 м<sup>3</sup>/га меъёрда суғориш мақсадга мувофиқ.

Суғоришни кечаю-кундуз, айниқса кечаси ташкил қилиш 10 фоизгача сувни тежаш имконини беради ҳамда экин ривожланиши учун мўътадил микроклим шароитини яратади. Суғориш давомийлиги тупроқнинг механик таркиби, майдоннинг нишаблиги ва суғориш меъёрига қараб 8–12 соатни ташкил этиши лозим. Майдоннинг нишаблиги катта бўлган айрим ҳудудларда эса суғориш давомийлиги 16–18 соатдан ошмаслиги керак.

Ўза ниҳоллари бир текис униб чиқмаган майдонларга албатта чигит суви бериш талаб этилади. Механик таркиби жиҳатдан энгил, сув ўтказувчанлиги юқори, тошлоқ майдонларда ва шамол кўп эсадиган ҳудудларда чигитни тупроқнинг табиий намлиги эвазига ундириб олишнинг деярли имконияти йўқ. Бундай ҳудудларда чигитни бир текис ундириб олишнинг ягона йўли уруғ экилгандан кейин албатта чигит суви беришдир.

Чигит суви одатда эгат оралатиб оқизилади ва кам миқдорда берилади. Чигит суви 500–550 м<sup>3</sup>/га меъёрда берилиши етарли саналади. Суғориш пушталар намиққунча давом этади ва намлик пуштага (сеялка катогининг изигача) етиб бориши билан тўхтаилади.

Бунда ўқариқлар дала тупроғининг сув ўтказувчанлик хусусиятига қараб ҳар хил ораликда олинади. Сувни яхши ўтказмайдиган тупроқли ерларда ўқариқлар орасидаги масофа 70–80, сувни ўртгача ва кучли ўтказадиган тупроқли ерларда эса 50–60 метрдан ошмаслиги лозим. Ўқариқлар орасидаги масофа ўта муҳим бўлиб, унинг иложи борица қисқа бўлиши чигит суви беришни тезликда тугаллашга хизмат

қилади, бошқача қилиб айтганда сувни бир югуртириб олишга катта ёрдам беради.

Об-ҳаво салқинлашган кунларда чигит сувини ўта эҳтиётлик билан бериш керак, яъни унинг миқдорини ошириб ва вақтини чўзиб юбормаслик лозим. Акс ҳолда тупроқ остидаги чигит ва энди кўкара бошлаган ғўза ниҳоллари униб чиқишга улгурмай чириб кетиши ва кўқарган ғўза ниҳоллари илдиз чириш касаллигига чалиниши мумкин.

Чигит суви берилган майдонларда тупроқ ҳаддан ташқари қотиб кетмаслиги учун ер ўз тобига келиши билан қатор оралари дарҳол культивация қилиниши шарт. Бунда қотган тупроқни юмшатиш учун юмшатувчи ишчи органлари ўрнатилган культиваторлар ишлатилади.

Чигит экилгандан кейин берилган сув тупроқни анча совилади ва зичлаб қўяди, микроорганизмлар фаолиятини сусайтиради, далани бегона ўтлар босишини кучайтиради, тупроққа механизмлар билан ишлов беришда маълум қийинчиликлар туғдиради.

**Суғорилган майдонларда эса тупроқ тобга келиши билан дарҳол культивация ўтказиш ва чопиқ қилиш талаб этилади. Культивация ва чопиқни ўз вақтида ўтказиш тупроқдан сув бугланишини камайтириб, тупроқ намини сақлаб қолиш имконини яратади. Тупроқнинг юмшатиш қатламига майда, дондор қилиб ишлов бериш суғоришлар орасидаги муддатни 4–5 кунга узайтиради, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши ва тез пишиниға ёрдам беради.**

Мухтасар қилиб айтганда, суғоришда сув ресурсларидан фойдаланишни оқилона ташкил этиш, экинлар парваришини тўғри йўлга қўйиш, хусусан суғориш усулини тўғри танлаш, эгатларни қисқа олиш, агротехник тадбирларни (айниқса культивация ва чопиқни) ўз вақтида ўтказиш, суғоришга масъулиятли ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Сувдан фойдаланишга масъулият билан ёндашиш мўл ҳосил етиштиришнинг мустақкам замини ҳисобланади.

**Ш. ҚҶҚОРОВ,**

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи,*

**С. МАМАТОВ,**

*САНИИРИ катта илмий ходими*